

## АУДИТОРЛИК РИСКНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МОҲИЯТИ

PhD. Кузиева Д. Б.

ТДИУ, “Аудит” кафедраси доценти

### Аннотация

Мақолада аудиторлик фаолиятида аудиторлик рискнинг моҳияти ва аҳамияти очиқ берилган, шунингдек, тадбиркорлик rischi билан боғлиқлик очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** Аудиторлик rischi, тадбиркорлик rischi, аудиторлик фаолияти, аудиторлик ташкилоти

## ЗНАЧИМОСТЬ И СУЩНОСТЬ АУДИТОРСКОГО РИСКА

### Аннотация

В статье раскрывается сущность и значение аудиторского риска в аудиторской деятельности, а также связь с предпринимательским риском.

**Ключевые слова:** Аудиторский риск, бизнес-риск, аудиторская деятельность, аудиторская организация

## SIGNIFICANCE AND ESSENCE OF AUDIT RISK

### Annotation

The article reveals the essence and significance of audit risk in auditing activities, as well as the connection with business risk.

**Keywords:** Audit risk, business risk, audit activity, audit organization

Маълумки, республикамизда ислохотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчиларнинг сафи кенгаймоқда, молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш эса, аудиторлик ташкилотларининг асосий вазифаларидан биридир. Шу билан бирга, қатор муаммо ва камчиликлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Бу ҳақда



мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 йил 19 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946 қарорида қуйидагилар баён этилган: “... аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу лицензияловчи органнинг ҳуқуқий таъсир чоралари чеклангани шароитида сифатсиз аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳолларига ва аудиторларнинг инсофсиз ҳатти-ҳаракатларига нисбатан тезкор чора кўриш имконини бермаяпти, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аудит стандартларига мутлақ мос эмас, бу эса, хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти” деб кўрсатма беришлари бугунги куннинг айна ҳақиқатидир [1].


Шубҳасиз, доимо молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг ҳолисона ва фойдали аудиторлик ҳисоботи ҳамда ҳулосаси билан таъминланиши ўта муҳим. Аммо, аудиторлик ташкилоти текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрилиги ҳақида мутлақо аниқ фикрни қафолатлай олмайди, текширув давомида учраши мумкин бўлган барча хатоларнинг аниқланишига аниқ ишона олмайди, чунки ҳатто ялпи текширув ўтказилган тақдирда ҳам хатоларни топа олмаслик эҳтимоли мавжуд [2]. Шу боисдан аудиторлик ташкилоти текширилган хўжалик юритувчи субъектнинг нотўғри бўлган молиявий ҳисоботини тўғри, деб тасдиқлаш ва аксинча тўғри тузилган молиявий ҳисоботини тасдиқламаслик эҳтимоли йўқ эмас. Натижада аудиторлик ташкилоти манфаатлари ва обрўсига асосиз путур етказилган хўжалик юритувчи субъектнинг норозиликларига ҳамда аудиторлик ҳулосасидан бевосита фойдаланувчиларнинг аудиторлик текшируви сифатига бўлган эътирозларига дуч келиши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда аудиторлик рискин баҳолаш муаммоси амалиётда халқаро аудит стандартларини қўллаш зарурияти муносабати билан долзарб аҳамият касб этмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг барқарорлиги улар томонидан аудиторлик рискин тўғри белгилашга бевосита боғлиқдир. Аудиторлик рискин аудиторлик фаолиятида энг муҳим категориялардан бири ҳисобланиб, аудиторлик текширувининг сифати ва аудиторлик ташкилотининг жавобгарлик даражасини белгилашга хизмат қилади.

Текширув шартномаси икки томонлама тузилишига қарамадан, аудитор



текширув давомида мустақил эксперт сифатида аудиторлик рискинни бир томонлама аниқлайди ва аудит текшируви натижаларига кўра аниқланмай қолган хато ва камчиликларга аудиторлик ташкилотининг айнан ўзи жавобгардир. Айни пайтда молиявий ҳисоботларни холис экспертиза қилиш билан боғлиқ ўзига хос фаолият тури сифатида аудиторлик фаолияти учун турли рисклар характерлидир. Шундай экан, акциядорлик жамияти томонидан билдирилган норозиликлар ҳамда аудиторлик хулосасидан бевосита фойдаланувчиларнинг эътирозларига дуч келмаслиги учун аудиторлик ташкилоти рискларни минималлаштириш учун зарур чораларни кўриши ўта муҳимдир. Бу эса, биринчи навбатда, профессионал (касбий) рисклар категорияси (гуруҳи) га кирувчи аудиторлик рискидир. Бирок, бу аудиторлик ташкилоти ўз фаолиятида тўқнаш келадиган ягона риск эмас. Тасаввур қилиш учун, аудиторлик ташкилотлари дуч келадиган рискларни расм кўринишида тақдим этамиз. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин (1-расм):



**1-расм. Аудитда рискларнинг гуруҳланиши**

1-расмда аудиторлик ташкилоти дуч келиши мумкин бўлган барча рискларни иккита катта гуруҳга ажратганмиз: аудиторлик (профессионал) рисқи ва аудиторлик ташкилотининг тадбиркорлик рисқи (аудиторнинг фаолиятига таъсир этувчи риск). Тадқиқот мавзусининг предмети бевосита аудиторлик рисқи бўлса-да, қуйидаги сабабларга кўра тадбиркорлик рисқига эътибор



бермасдан иложимиз йўқ:

аудиторлик rischi текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик riskига боғлиқ;

кенг маънода аудиторлик riskини ҳисобот тўғрисида нотўғри фикр билдириш эмас, балки, аудиторлик ташкилотлари томонидан профессионал фаолиятни амалга оширишда келиб чиқадиган risk сифатида тушуниш мумкин; қолаверса, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида ҳам “аудиторлик фаолияти тадбиркорлик фаолияти” эканлиги таъкидланган[3].

Шу нуқтаи назардан, кўрсатилган risk турларидан (1-расм) фақат «мижоз билан иқтисодий муносабатлар riskи» аудиторлик riskи таърифига мос келмайди. Текширилаётган ташкилотнинг банкротлик riskи ва аудиторга молиявий санкциялар қўйиш riskи ушбу тушунчанинг юқорида айтилган кенг маънодаги аудиторлик riskи қаторига қўшиш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тадбиркорлик riskи аудитор томонидан корхона фаолияти ижобий, деб баҳоланганда ҳам мавжуд бўлади ва у қуйидаги омилларга боғлиқ:

аудиторлик ташкилотлари ўртасидаги рақобатбардошлик;

аудиторлик фаолиятини етарли даражада реклама қилмаслик;

аудиторга бўлган муносабат бўйича суд ишлари бўлиш эҳтимоли;

мижознинг молиявий ҳолати;

мижоз операцияларининг характери;

мижоз корхона раҳбарияти ва ҳисоб ходимларининг малакалилиги;

аудитни ўтказиш муддати[4].

Фикримизча, юқорида таъкидлаб ўтилган омиллар қаторига мижознинг аудиторлар роли ва маъсулиятларини тушунишлари ҳамда бошқарувчилар ва мулкдорларнинг обрў-эътиборлари, уларнинг иш тажрибаси каби омилларни қўшсак мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, акциядорлик жамияти ва аудиторлик ташкилоти ўртасидаги бизнес муносабатлари текширувнинг натижавийлигига олиб келади. Бошқарувчиларнинг иш тажрибаси эса, акциядорлик жамиятида назоратнинг яхши йўлга қўйилишига замин яратади.

Бундан ташқари, аудиторлик ташкилоти акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини мустақил экспертизадан ўтказиш давомида, ташқи мустақил молия эксперти сифатида фаолият кўрсатади ва ижобий аудит хулосасини тақдим этиб, нафақат ҳисоботнинг ишончлилигини, балки, яқин келажакда акциядорлик жамиятининг мавжуд бўлиш истиқболларини ҳам тасдиқлайди. Ушбу қоида 700-АХС "Аудиторлик



ҳисоботини тузиш тартиби" стандартида бевосита қайд этилган. Унда ташкилот ўз мажбуриятларини 12 ой муддат давомида муваффақиятли қоплаши керак, деб белгиланган.

Фикримизча, аудиторлик ташкилоти текширилаётган акциядорлик жамиятининг тадбиркорлик riskини ҳам муҳим шартномалар, ҳам йирик ҳамкорлар билан муносабатлар кесимида баҳолаши керак.

Аудиторлик ташкилоти учун амалиёт нуқтаи назаридан аудитнинг барча босқичларида riskни баҳолаш аудитни режалаштириш, амалга ошириш босқичида ҳамда аудитни яқунлаш босқичида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Аудиторлик текширувини режалаштириш босқичида riskни баҳолаш ушбу текширув учун зарур бўлган вақт ва меҳнат сарфини аниқлашга хизмат қилади. Умумий аудит режаси ва аудит дастурини шундай тузиш лозимки, бунда аудиторлик текширувига сарфланадиган вақт ва меҳнат сарфини асоссиз равишда оширилишига йўл қўймасдан аудиторлик riskини минимал даражагача олиб келиш лозим.

Аудиторлик текширувини ўтказиш босқичида аудиторлик riskини баҳолаш тўпланган аудиторлик далиллари ҳажмига нисбатан мувозанатли ва асосланган ёндашув учун, сегментлар бўйича танланмалар ҳажмини аниқлаш, таҳлилий амалларни бажариш ва батафсил тестларни ўтказиш учун зарурдир. Аудиторлик текширувини яқунлаш босқичида аудиторлик riskини баҳолаш акциядорлик жамияти молиявий ҳисоботининг ишончилиги бўйича якуний хулосани ишлаб чиқиш учун зарур.

Маълумки, ҳар қандай кўрсаткични баҳолашнинг биринчи босқичи унинг моҳиятини очиб берувчи концептуал таърифдир.

Таъкидлаш жоизки, замонавий иқтисодий фанда riskнинг иқтисодий категория сифатидаги умумқабул қилинган назарий таърифлари йўқ, тадбиркорлик фаолиятининг турли кўринишлари учун riskни баҳолаш усуллари ҳам ишлаб чиқилмаган (банк, суғурта ва инвестиция бизнеси бундан мустасно). Ушбу муаммо тадқиқотчилар орасида тадбиркорлик riskи таърифи бўйича ягона фикр билдирилган эмас.

Аниқланмаслик riskи аудиторлик ташкилоти томонидан субъектив равишда белгиланадиган аудиторлик текширувида аудитор томонидан қўлланиладиган амаллар амалдаги алоҳида-алоҳида ёки биргиликда муҳим ҳисобланадиган мавжуд қоидабузарликларни аниқлашга имкон бермаслиги эҳтимоллигидир. АХС 200 «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш» номли



стандартда шарҳ сифатида “аниқланмаслик rischi аудитор ишининг самарадорлиги ва сифати кўрсаткичи бўлиб, у муайян аудит текшируви ўтказиш тартиби, шунингдек аудиторларнинг малакаси ва текширилаётган иқтисодий субъектнинг фаолияти билан аввалдан танишлик даражаси каби омилларга боғлиқ” деб кўрсатилади.

## **АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сонли Қарори, [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
- 2.Пардаев Б., Қосимов Ҳ. “Аудиторлик фаолиятида муҳимлик ва таваккалчилик”, “Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби” журнали, 2006- йил август, 2-сон.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг 78-II-сон “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 26 май;
- 4.Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. “Халқаро аудит” Дарслик-Т.: “Иқтисод-молия”, 2015 й, 217-бет

